



ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ – РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Ибодов Камолиддин Маматқулович

Маъмун университети доценти, PhD. Хива, Ўзбекистон

Email: kamail_uz@mail.ru

ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-6554-2087>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss5/598

Аннотация

Мақолада ресторан хизматлари соҳасини ривожлантиришда гастрoномик туризмнинг аҳамияти, ресторан бизнесини ривожлантиришда унинг гастрoномик ва этнографик туризм билан уйғунлашувини таъминлашга йўналтирилган гастрoтуристик кластерни шакллантириш, гастрoномик йўналишда ресторан хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва ушбу механизм доирасида “мақсадлар шажараси”ни ишлаб чиқиш масалалари ёритилган. Худудий ва республика даражасида гастрoномик йўналишдаги ресторан хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш асосида мукамал гастро-туристик маршрут ва турмаҳсулот яратиш, самарали силжитиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ресторан хизматлари соҳаси, гастрoномик туризм, гастрoтуристик кластер, ўсиш нуқталари, мақсадлар-шажараси, истеъмол таомиллари.

ГАСТРОНОМИЧЕСКИЙ ТУРИЗМ - КАК ПЕРСПЕКТИВНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ РАЗВИТИЯ РЕСТОРАННЫХ УСЛУГ

Ибодов Камолиддин Маматқулович

доцент Университета Маъмун, PhD., Хива, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается значение гастрономического туризма в развитии сферы ресторанных услуг, формирование гастрономического кластера, направленного гармонизации с гастрономическим и этнографическим туризмом в развитии ресторанного бизнеса. Предложен организационно-экономический механизм развитие гастрономического туризма на основе организации и развития ресторанных услуг гастрономического направления на региональном и республиканском уровнях и разработаны предложения и рекомендации по разработки и продвижения гастрономического маршрута и турпродукта.

Ключевые слова: сфера ресторанных услуг, гастрономический туризм, гастрoтуристический кластер, точки роста, дерево целей, потребительское поведения.

GASTRONOMIC TOURISM AS A PROMISING DIRECTION FOR THE DEVELOPMENT OF RESTAURANT SERVICES

Ibodov Kamoliddin Mamatkulovich

Professor, Mamun University, PhD. Khiva, Uzbekistan.

Abstract

Examines the importance of gastronomic tourism in the development of the field of restaurant services, the formation of a gastronomic cluster aimed at harmonization with gastronomic and ethnographic tourism in the development of the restaurant business. Is proposed the organizational and economic mechanism for the development of gastronomic tourism based on the organization and development of gastronomic restaurant services at the regional and national levels, proposals and recommendations for the development and promotion of a gastronomic route and tourist products.

Keywords: restaurant services, gastronomic tourism, gastro-tourism cluster, growth points, goal tree, consumer behavior.

Кириш

Бугунги кунда жаҳонда ресторан хизматлари соҳасига мижозлар оқимини кўпайтиришда уларнинг ўзгарувчан хоҳиш-истакларини юқори даражада қондириш учун уларни қизиқтирадиган янги маҳсулот ва хизматларни таклиф қилиш муҳим ҳисобланади. Гастрономик туризм хорижий ва ички сайёҳларнинг ҳудудлардаги маданий ва тарихий меросига қизиқиши ортиши замирида маданий, маърифий ва кўнгилочар туризмни ривожлантиришга, таом тайёрлаш ва унинг истеъмол анъаналарини ўрганиш асосида ташриф буюрувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Бутунжаҳон туризм ташкилотининг “энг тез ривожланаётган туризм масканлари” рўйхатида, “National geographic traveler awards” рўйхатида “Йил янгилиги” ҳамда “Гастрономик туризм” номинацияларида юқори поғоналарни эгаллади. Яқин йилларда мамлакатимизда “... гастрономик, этно, экстремал ва бошқа туризм йўналишларини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳисобидан келгусида камида 1 миллионта янги иш жойлари яратиш”[1] вазифалари қўйилганлиги ҳудудларида миллий таомлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ташкил қилишнинг маданий-маърифий саёҳатларга уйғунлашган жиҳатларини ўз ичига олган гастрономик туризм бу борада истиқболли йўналиш эканлигидан далолат беради. Шу сабабли ҳам ҳудудларда таом тайёрлаш ва унинг истеъмолини ташкил қилиш билан боғлиқ замонавий хизмат кўрсатиш йўналишларини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили

Хорижлик олимлардан Э.Вульф асарларида туризмнинг ажралмас қисми сифатида гастрономик турларга урғу қаратилган бўлиб, муаллиф “...таом ва ичимликларга нисбатан умумий қизиқиш ва манфаатдорлик яратиш асосида инсонларга, корхоналарга ва жамиятга ривожланишга кўмаклашиш” концепциясини илгари сурган[2].

РФ олим Д.И.Ивановнинг илмий ишларида мамлакатларнинг гастрономик бренди жуда муҳим эканлиги “...ривожланган гастрономия соҳасининг мавжудлиги, миллий таом ва овқатланиш билан боғлиқ хизматлар, ресторан ва овқатланиш корхоналарини ўз ичига олган илғор гастрономия ҳамжамиятининг шаклланганлиги, миллий ошхона ва истеъмол таомилларининг мавжудлиги ҳамда озиқ-овқат (истеъмол) инновацияси” гастрономия бренди сифатида нафақат жойнинг, балки бутун халқнинг хусусияти ва тарихини қамраб олиши” мумкинлигини таъкидлайди[3].

К.С.Шпенькованинг илмий тадқиқотларида сўнгги йилларда туризм соҳасида гастрономик турлар сонининг ортиши кузатилаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтган. Муаллифнинг фикрига кўра “...туристлар кўп жиҳатдан мамлакатнинг туристик салоҳиятини миллий ошхона, таом ва хизматлар орқали кўпроқ баҳолайди. Шунга кўра биринчи навбатда туристлар учун таом тайёрлаш ва истеъмолини ташкил этиш йўналишидаги хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида биринчи навбатда транспорт ва жойлаштириш воситалари, ресторан бизнесига инвестициялар ва молиявий ресурсларни кенг жалб қилиш, шунингдек, малакали кадрлар (ошпазлар, дизайнерлар, технолог-ошпазлар, официантлар) тайёрлашни ҳам кенгайтириш лозим” [4]

Мамлакатимиз олимларидан Б.Н.Наврўз-зода ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида “...гастрономик туризм кластери доирасида янги хизматларни ташкил этиш ва кластernи йирик турфирмаларнинг туристик маршрутига киритиш, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш бўйича китоб, гастрономик туризмга оид эсталик совғалар ва бошқа сувенирларни ишлаб чиқиш ва савдосини йўлга қўйиш, ресторанларнинг рейтинги ва таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш, республика бўйича ресторанларнинг ягона бронлаш платформасини яратиш” [5] масалалари илгари сурилган.

Х.Ф.Очилованинг илмий ишларида “...халқаро туризмнинг жадал суръатлар ривожланиши билан бир вақтда туристлар овқатланишини ташкил қилишнинг долзарблиги, аксарият туристлар томонидан мазали ва тўйимли овқатланишни афзал кўрилиши, айниқса, ташриф буюрувчиларнинг 83% миллий таом ва ичимликлардан ҳар қандай шароитда ҳам истеъмол қилишини, бу борада гастрономик туризм – туристлар учун маҳаллий ресторан, кафе-бар ва ошхоналарда миллий анъаналарни тарғиб қилишнинг пухта ўйланган ва махсус ишлаб чиқилган хизмат сифатида қараб чиқиши лозим” лигини баён қилган [6]

Муаллифнинг илмий-услубий ишларида ҳам ресторан хизматлари соҳасини ривожлантириш[7], ресторанларда маркетинг дастурини ишлаб чиқиш, истеъмол таомиллари ўзгариши шароитида борада ресторанларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтириш[8], биргаликда овқат тайёрлаш ва бепул нонушта учун буюртмалар қабул қилиш[9], мижозларга ўзларининг ноёб тажрибалардан фойдаланиш, қобилиятларнинг намоён бўлишига эришиш учун шарт-шароит яратиб бериш орқали хизмат кўрсатишнинг нафлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган[10].

Тадқиқот методикаси


Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, гуруҳлаш, мантиқий таҳлил усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган.

Таҳлиллار ва натижалар

Мамлакатнинг муҳим сайёҳлик ресурсларига эга бўлмаган, аммо айни пайтда ўзига хос миллий-маданий жиҳатларига эга бўлган ҳудудларида таом тайёрлаш ва истеъмолини ташкил қилиш, овқатланиш билан боғлиқ хизматларни ташкил қилиш ҳамда миллий таомлар билан танишишга асосланган туризм йўналиши жуда истиқболли йўналиш ҳисобланади. Мазкур жараён сайёҳлар томонидан мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва халқларнинг ўзига хос ўрф-одатлари,

анъаналари ва маданияти билан яхшироқ танишиш усули ҳисобланади. Шундай қилиб, гастрономик туризм мамлакат ҳудудларида туризмни ривожлантиришнинг “ўсиш нуқтаси” бўлиши эҳтимоли жуда юқоридир.

Замонавий туризм бизнесида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда дестинацион ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра гастрономик туризмни ривожлантиришнинг давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида ҳудудларда гастрономик туризм кластерини ташкил қилиш келгусида миллий йўналишдаги ошхона ва ресторанлар, миллий фольклор, миллий маданият марказларини этнографик ва гастрономик туризмни ривожлантириш йўналишида ягона концептуал тизимга бирлаштириш, ҳудуднинг гастрономик ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида бир вақтнинг ўзида ресторан бизнесини ҳам ривожлантириш имконини беради. Фикримизча, ресторан бизнесини ривожлантиришда унинг гастрономик ва этнографик туризм билан уйғунлашувини таъминлаш, миллий маданият марказлари ва фольклор жамоаларини иқтисодий ҳамкорлик йўналишида ўзаро уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир(1-расм).




1-расм. Ресторан хизматлари соҳасини ривожлантиришда гастротуристтик кластер ёндашуви

Манба. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Гастрономик туризм кластери миллий ошхона ва ресторанларнинг тўлиқ қувват билан ишлашига, ҳудуднинг туризм бозоридаги мавқеи ва брендини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар фаолиятини янада жадаллаштириш, ҳудудда яшовчи кичик миллат ва халқларнинг бой маданий, этнографик ва гастрономик мерос

объектларида туризм йўналишида самарали фойдаланишга ҳамда иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилишига имкон беради.

Гастрономик туризм кластерини ташкил қилишда аввало унинг барча бошқарув поғона ва даражаларида аниқ белгиланган “мақсадлар-шажараси” ни ишлаб чиқиш ва шу орқали ташкилий-функционал жиҳатдан такомиллаштирилган ташкилий-иқтисодий механизмни яратиш лозим (2-расм).




2-расм. Гастрономик йўналишда ресторан хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий- иқтисодий механизми

Манба. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Натижада гастрономик туризмни ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларни иерархик боғлиқликда яхлит тасвирлаш, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича вазифаларни аниқ тақсимлаш ва шу орқали гастрономик турмаҳсулотни самарали силжитиш мумкин бўлади.

Гастрономик туризмни ривожлантиришнинг таклиф этилаётган ташкилий-иқтисодий механизми кластер таркибига кирувчи барча субъектлар ва тузилмаларнинг ташкилий йўналишдаги вазифаларига ва уларнинг фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш имконини беради.



3-расм. Гастрономик йўналишдаги ресторан хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш ривожлантиришнинг ташкилий-функционал “мақсадлар шажараси”

Манба. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Гастрономик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва ушбу механизм доирасида “мақсадлар шажараси” соҳага тизимли ёндашув асосида мукамал гастро-туристик маршрут ва турмаҳсулот яратиш, уни самарали силжитишда услубий дастур бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Таклиф этилаётган ташкилий-иқтисодий механизм доирасида қўлланиладиган ташкилий, маъмурий, ҳуқуқий, жамоатчилик, давлат ва бозор дастаклари ҳудудда гастрономик туризмнинг барқарор ривожланиши учун қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратишга, ҳудуднинг туристик жозибадорлигини оширишга, гастрономик ва этнографик туризмнинг ўзаро уйғунлашган ҳолда ривожланишига ҳамда гастрономик туризмнинг рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

Бу борада қуйидаги илмий таклифларни амалиётга татбиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– ҳудудларда гастрономик туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш[11];

– ҳудудларда ресторан хизматлари кўрсатишни таом истеъмолини ташкил қилиш асосида туризмнинг этно-гастрономик ва тарихий-маданий жиҳатларини чуқурроқ ўрганишга имкон берувчи гастрономия марказларини ташкил қилиш;

– ҳудудларда гастрономик туризмни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда гастрономик туризм йўналишида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси 25-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи.

2. Wolf, Erik. Culinary Tourism: The Hidden Harvest: a Dozen Hot and Fresh Reasons how Culinary Tourism Creates Economic and Community Development. Kendall/Hunt, 2006. 59 p

3. Иванов, В. Д. Гастрономический туризм как популярное направление в туристической индустрии / В. Д. Иванов // Физическая культура. Спорт. Туризм. Двигательная рекреация. — 2018. — Т. 3, № 2. — С. 105–113.

4. Шпенькова К. С., Сычева В. О. Условия развития гастрономического туризма в России и в мире // Концепт. – 2014. – № 07 (июль). – ART 14198. <http://e-koncept.ru/2014/14198.htm>.

5. Наврўз-Зода, Б.Н., Нарзиев, М.М. Бухоро вилоятида гастрономик туризм кластерини шакллантириш имкониятлари “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 3/2022, may-iyun. 400-405 б.

6. Очилова, Х.Ф. Гастронмический туризм: теория и практика: учебник/ Очилова, Х.Ф., Умирова Д.С. – Москва; берлик: Директ-Медиа, 2021. – 160 с.

7. Ибодов, К. (2023). Истеъмол таомиллари ўзгариши муҳитида ресторан хизматлари истеъмол қимматдорлигини тадқиқ этиш. *Economics and Innovative Technologies*, 11(4), 407–414. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a42. <https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/view/366>

8. K.M. Ibodov. Restoran ishida marketing. Darslik. Toshkent: -T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2021. – 464 b.

9. X.Тўраев, X.И.Турдибеков, В.Бердиқулов, Ш.М.Исломов, К.М.Ибодов. Меҳмонхона хўжалигида хизматлар сифатини бошқариш. Ўқув қўлланма. Т:,- “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2020 йил. – 382 бет.

10. Ибодов, К. (2023). Хизмат кўрсатишнинг самарали ташкилий-технологик шакллари негизида ресторан хизматлари рақобатбардошлигини ошириш масалалари. *IQTISODIYOT va TA'LIM*, 24(1), 517–521. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/987>.

11. Режапова, Н. (2022). Ўзбекистонда гастронимик туризмни истиқболли ривожлантириш. *Архив научных исследований*, 2(1). <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1595>.

12. <http://www.culinarytourism.org>. – International culinary tourism association.

13. <https://gastrotourism.uz> – Ўзбекистон Республикаси Гастронимик туризм ассоциациясининг расмий сайти.